

ГЕЛДИМУРОД САИДМАЛИКОВ, МУЗАФФАР НАИМОВ

КҮНГУЛ БИР НАВО ИСТАР...



ГЕЛДИМУРОД САИДМАЛИКОВ, МУЗАФФАР НАИМОВ

КЎНГИЛ БИР НАВО ИСТАР...

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2006

Мазкур китоб таниқли санъаткор Абдулазиз Имомов ҳаёти ва ижодига бағишланган. Унда санъаткор ҳақида хотиралар, ёдномалар ўрин олган, шунингдек, санъаткор ўзи ёзган, басталаган айрим қўшиқларни матни ва нотаси берилган. Ушбу китоб кенг санъатсевар мухлисларга мўлжалланган.

СОҒИНЧ...

Санъат шундай бир улуғ қудратки, унинг таъсирида кўнгиллар ором топади, тарбияланади, кучланади.

Санъатга юракдан берилган, улуғлаган, муқаддас деб билган кишигина, унинг марҳаматидан баҳра топади. Дунёда ниманики улуғ тутсанг, сенинг улуғ бўлишингга йўл очади. Ўз ҳимоясига олади, бағрини очади.

Санъат ҳалолликни, садоқатни қадрлайди. Бир қўли билан санъатнинг, бир қўли билан бошқа бир касбнинг этагидан ушлаган одам бир кун келиб йўлини йўқотади. Нафақат йўлини, балки танлаганини, ўзини ҳам унга қўшиб йўқотади. Гоҳ у, гоҳ бу касбнинг ҳадисини оламан деб, ўтдан чиқиб, сувга кирганлар ҳеч қачон элга танилмаган. Эл ундайларни тан ҳам олмаган. Ҳар бир инсоннинг феъл-атвори, ранг-рўйи, ҳатто созу овозида ҳам туғилиб ўсган маскани катта аҳамият касб этган. Алалхус ҳамюртимиз Абдулазиз Имомовнинг ижодида Ал-Ҳаким ат-Термизий, Зулли Кифил, Бобоқамбарларнинг илоҳий куч-қудрати яққол сезилиб туради. Сиз дали дарё — Жайхуннинг шоввуллаб, қирғоқларига урилиб, мавжланиб оқаётганини, соҳилларида умр гузаронлик қилаётган одамларга руҳий таъсирини бир тасаввур қилиб кўринг...

Абдулазиз Имомов «Пайғамбар ороли»даги, уч томонини уч азиз авлиё ўраб олган Кафтархона қишлоғидаги, борингки, Ўзбекистонимиздаги ҳар бир дарахт билан бирга гуллаб, куйларнинг рангини, сўзларнинг таъмини ҳис қилган, кўксига сайроқи булбули бор бўлган инсон эди. Унинг учун санъат яратганнинг буюк неъматини, инсонларни ҳайратга солиш, инжа ва зукко муҳлисларнинг дилини, дардини топиб куйлаш эса, тирликлик белгиси эди...

Абдулазиз Имомов балки туғма, балки фавқулодда салоҳиятли санъаткор, бетакрор қўшиқчи эди. У шунчаки, эрмак учун, ҳангома учун ёҳуд саёз давраларни хурсанд қилиш, гулдирас қарсақларни чалдириш учун айтмасди. Балки қўшиқни бутун борлигини бағишлаб, юрак-бағри тўлиб, керак бўлса, хун бўлиб айтарди. Худди шунинг учун ҳам бу қўшиқлар минглаб одам-

ларнинг қалбига худди нафас йўлларига тоза, мусаффо ҳаво киргани каби, томирларда иссиқ қон кўпириб оққани каби оҳиста-оҳиста кириб боради. Шунинг учун ҳам бу қўшиқлар то ҳануз яшаб келаётир.

Шунинг учун бўлса ажаб эмас, мухлислар бундан қарийб ўн йиллар муқаддам дорилбақога риҳлат қилган Абдулазиз Имомовни юраклар сел бўлиб соғинадилар. Аммо Абдулазиздай санъаткор энди орамизда йўқ. Бироқ бир ёруғ таскин ва тасалли шуки, ундан бир дунё қўшиқлар қолди. Шунисига ҳам шукр қиламиз.

Агар мусаффо кенгликларни соғинганда, майда фикрларга, тош-посангиси йўқ гапларга ҳушимиз келмай қолганда Абдулазиз Имомовнинг қўшиқларини эшита бошлаймиз. Шунда гўё олам бир ўзгаргандек, теварак-атрофингдаги одамлар яхшиликка томон буткул юз бургандек бўладилар. Худди шунинг учун ҳам биз дўстимиз Абдулазизни эслаймиз.

Ушбу китобчани ўқисангиз Олмахон Ҳайитова, Бобомурод Ҳамдамовларни дўсти — Абдулазиз Имомовни ёдлаб сўзлаган хотираларидан, Раҳматжон Қурбонов ва Каримбой Раҳмоновларнинг устозлари ҳақида юракдан айтган ҳикояларидан воқиф бўласиз. Бу дунёда энг юксак мукофот, унвонлар элнинг назари, унинг кўнгли, юраги эканлигига яна бир бор амин бўласиз. Яна бир гап: — агар сиз зўр санъатни, зўр қўшиқни, зўр санъаткор — Абдулазизни ҳақиқатдан ҳам, соғинсангиз, ушбу китобчани яна бир бор ўқинг! Ул ҳазрат сиз билан албатта руҳан сўзлашади. Айтган қўшиқлари, чертган созлари қулоғингиз остида ҳамиша янграйверади.

Соғинч дегани аслида шунақа бўлади...

Биз Абдулазиз Имомов билан 1961 йилда Тошкентда, консерваторияда учрашганмиз, танишганмиз. Абдулазизжон устози Комилжон Отаниёзовга ўхшагиси келибми, ёки ўзига ярашгани учунми, сочини поки билан қириб-олдириб, чиройли дўппи кийиб юрарди. У ўрта бўйли, кўзлари ёниб турган, хушрўй йиғит эди. Унинг яхши бир одати бўлиб: — ҳамма сурхондарёлик жўраларини «сен»лаб гапирарди. Унинг бу самимияти ҳаммамизга ёқарди. Кейин у бутунлай Комилжон аканинг ансамблига қўшилиб кетди. Менимча, консерваторияда 4-5 йил ўқишга унинг ўша пайтдаги катта ижрога бўлган иштиёқи-ғайрати йўл бермади шекилли. Агар Абдулазизжон шу ўзидаги худо берган

мусиқий иқтидорни олийгоҳда олган назарий-мусиқий билимга қўшганда эди, ундан буюк бир композитор чиқарди. Аммо унинг шу яратиб кетган куй-қўшиқлари ҳам ўзининг бетакрорлиги билан мени ҳайратга солади...

Абдулазизжон Сурхон воҳасининг бетакрор бастакори бўлиб қолди ва авлодлар хотирасида мангуга қолади.

Шафоат Раҳматулло ТЕРМИЗИЙ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Сурхондарё вилоят бўлими масъул котиби, доцент.

КЎНГИЛ БИР НАВО ИСТАР...

Жайҳун канорида бир мўъжазгина қишлоқ бор. Бу қишлоқ энг қадимий, тарихий воқеаларга бой, не-не жаҳонгир-у, не-не улуг алломаларнинг назари тушган жой. Бу қишлоқ ҳозирда ҳам одамларнинг назаридан четда қолаётгани йўқ. Бу қишлоққа қадим-қадимда «Кафтархона» деб ном берилган. Бу ном мозий пешайвонида қолиб кетган, тоза ҳавони ва бир саводхон одамнинг назарини кутиб ётган минг йиллик битикларда бор. Ва яна бу ерда бир неча минг йиллардан буён тўлғаниб, тўлкинда-ниб-қирғоқларини емириб, пишшилаб, кумушранг қумларни олдига солиб оқаётган дарё — Жайҳуннинг сувларини ичаётган танти, жовмард ҳамда меҳнатсевар одамлар бор. Худо у одамларга араванинг гупчагини суқса кўкарадиган, ҳар сиқими олтинга тенг ерларни берган. «Она ер қўшиғи» асарининг муаллифи Менгзиё оға Сафаров билан бўлган бир суҳбат ёдимга тушди. «Агар Тангри ўзига яна бир марта яшаш учун жой-ер танласа, у албатта, ҳеч иккиланмасдан Кафтархонани танлаган бўларди. Чунки бу ер-муқаддас ер. Азизлар ўтган, авлиёлар яшаган манзил-макон», деган эди. Она еримизни ҳеч ким Менгзиё акачалик севмаган бўлса керак. У улуг зот асли бу қишлоқдан бўлмаса-да, юрагини «Пайғамбар ороли»га, Кафтархонага, кафтархоналикларга берди.

Бу қишлоқда туғилиш, бу қишлоқда улғайиш, меҳнат қилиб, унинг роҳатини кўриш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Дастурхоннинг безаги дунёдаги энг зўр анорлар, эртачи помидор-у бодринглар, олтин ёмбисндай ял-ял ёнадиган лимонлар худди шу қишлоқда етиштирилади. Демак, бу қишлоқ аҳли деҳқон экан-да, деган тушунча билан чекланманг.

Бу қишлоқда номдор полвонлар, зўр мерганлар, қўли гул усталар, халқ меҳрини қозонган муаллимлар, эл назари тушган раҳбарлар, саҳоват пеша одамлар, энг муҳими, худо берган ширин овозли созанда ва бетакрор бахшилар ҳам бор. Гап яна шундай зўр, бетакрор санъаткорлардан бири — Абдулазиз Имомов ҳақида боради. Биз бугун уни зўр дейишга, у ҳақда нимадир ёзишга, даврларда у ҳақда гурур билан гапиришга, у айтган қўшиқларни айтишга, у басталаган куйларни яна ўйноқлатиб чертишга ҳақлимиз. Зўрни зўр демоққа, зўрдан ўрганмоққа, зўрни танимоққа, тан олмоққа ҳам ҳаққимиз бор. Зўр одамни эл, улус, халқ, миллат зўр деса, гап йўқ. Абдулазиз Имомовни ҳам «санъатда зўр, бетакрор бастакор, овозини худо берган одам эди», — деб ҳамма айтаяпти. Ўзбекистоннинг булбуллари: — Олмахон Ҳайитова, Бобомурод Ҳамдамов, Раҳматжон Қурбонов, Каримбой Раҳмоновлар ҳам унинг зўрлигини тан олишиб: — Азиз акадай санъаткор энди туғилмаса керак, — дейишганини ўз қулоғим билан эшитганман. У айтган қўшиқларни ўзларининг репертуарларига киритишиб, Азиз акадай бўлиб қўшиқ айтганларини, соз чертганларини кўп марта кўрганман. Зўрнинг зўрлиги мана шунда билинади. Абдулазиз Имомов шунчаки қўшиқ куйламас, шунчаки тор чертган эмас...

У қўшиқ айтганда одамларнинг дардини, дилини топиб, меҳр-муҳаббатини қўшиб айтарди. Унинг қўшиқларини эшитганлар яна бир эшитсам, дейди. Абдулазиз ака бошқа айрим санъаткорлар каби «мен бетакрорман», деган эмас. У оддий эди, бу дунёдан оддийлигича ўтиб кетди. Унинг номи, айтган қўшиқлари қолди. Биласизми, юксак санъаткорини сўнгги манзилга кузатган кун Кафтархона ҳувиллаб қолди. Унинг сеvimли шогирдлари, суюкли фарзандлари, минг бир синовлардан ўтган дўстлари ўша куни бу дунёда энг азиз нарсасини йўқотгандек бўлди. Йўқ, йўқотгандек бўлди эмас, бир умрга йўқотишди...

Ўзбекистон деган, улуғлар яшаган она юртимизда халқ сеvgан, таниган, санъатини тан олган, катта-ю кичик қўшиқларини севиб эшитадиган санъаткорлар кўп. Улар дунёда эзгу нарса бу қўшиқ деб билишган. Санъатнинг, қўшиқнинг пириларига айланишган. Комилжон Отаниёзов, Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов, Таваккал Қодиров ва бошқалар ўз овози, ўз сози, ўзининг йўли билан танилди, ўзларига ҳайкал қўйишди. Абдулазиз Имомов ҳам ўз устози, пири Комилжон Отаниёзовнинг

йўлини танлади. Қўлини олди. Аввал шогирд эди, сўнгра уста бўлди. Бугун улар орамизда йўқ, лекин улар эзгу тилакли инсонлар эди. Худо уларни ғарибу раҳмат, шоҳистаи жаннат қилсин.

— Кунларнинг бирида Бакуга — тор олиш ниятида азим шаҳарга бордим, — деб ҳикоя қилган эди Абдулазиз ака. — Мусиқа асбоблари сотиладиган алоҳида бозори бор экан. Тор сотиб ўтирган бир чолга гоҳ у, гоҳ бу торни олиб беринг, деб инжиқлик қилдим. Торларнинг қайсидир камчилигини айтсам, бойнаги чолнинг жаҳли чиқди-да, «сан хардан ўларсан, торни нердан биларсан, лозим топсанг шу торларни ол, бўлмаса, гет бордан», — деди. Мен шунчаки бир оддий харидор эмас, Тошкентдан махсус тор олиш учун келганимни айтдим. Шунда чол қурғур ишонмади. Мен торларнинг бирини олдим-да, озарбойжонча куй чалдим. Чол ҳанг-манг бўлди ва: — болажон, айдим айдиб баларсан, — деди. Мен шу ерда, бозорнинг ўртасида тик туриб, «Онажон» деган улар севадиган, қадрлайдиган, тингласа, йиғлаб тинглайдиган қўшиқни айтдим. Бозордаги одамлар хайратдан қотиб қолишганди. Чол ўша куни мени меҳмонга олиб кетди ва кечирим сўради. «Сен Озарбойжонда қол, бизнинг боғларнинг булбули бўл», дея мени Бокуда қолишга даъват этди. Афсус, мен Термизни унинг қадри баланд одамларини, дўстларимни ҳеч нарсага алмаштиргим келмади. Ўша Бокудан келтирган торни бугун ҳеч ким чертмаяпти. У ўз соҳибини, Абдулазиз акани бир бурчакда соғиниб ётибди. Унинг торлари, турли мусиқа асбоблари кўп. Уларни унинг ўғил-қизлари, шогирдлари чалаяпти, қўшиқларини айтиб келишаяпти. Устознинг, отанинг руҳларини шод этишмоқда. Аммо эл, халқ, миллат Абдулазиз акани соғиниб яшаяпти. Бу соғинч бир кунлик, бир ойлик ёки бир йиллик эмас. Бу соғинч мангудир.

1984 йил укам раҳматлик Холмурод ўғли Арслонбекка суннат тўйи берди. Тўйда Бобомурод Ҳамдамов хизмат қилди. Тўйга яқун ясалаётганда даврага яна Бобомурод ака чиқди ва:

— Сизларга бир гапни айтиб қўйсам ёмон кўрманглар. Тўйларингизга узоқдан санъаткор излаб, чақириб юрманглар. Катта санъаткор шу қишлоқнинг ўзида бор. У — Абдулазиз Имомов. Азиз айтган қўшиқларни ҳамма айтолмайди. Азиздайин қилиб ҳамма тор ҳам чертолмайди. Азизни қадрланглар,

унинг ҳурматини жойига қўйишлар. Мен ундан кўп нарсаларни ўрганганман. У айтган қўшиқларни севиб айтаман. Мени ҳурмат қилсаларнинг, Азизни мендан-да кўпроқ ҳурмат қилишлар, худо уни сизларга хизмат қилсин деб берган, — деди.

Ҳақиқатдан ҳам шундай, биз гоҳида эшикдан оққан сувнинг қадрига етмаймиз. Абдулазиз Имомовнинг овозларини ёзиб олиш, у ҳақда бирор кино фильм ишлаш, яхшироқ бирор нарса ёзишга бел боғлаган эмасмиз. Унга ҳатто бирор мукофот ёки унвон ҳам берилгани йўқ. Абдулазиз Имомов мукофот олмади эмас. Унинг мукофотлари бор: — у халқнинг ҳурмати, бетакрор санъаткорга бўлган меҳр-муҳаббатидир. Бундан зўр мукофотнинг ўзи бўлмайди...

Энди Азиз акани яхши билган, ундан ўрганган, бирга ишлаганлардан эшитинг! У қандай одам бўлган.

Тузумлар ўзгариб, қасрлар емирилиши, китобларнинг ёзувлари ўчиб кетиши мумкин, аммо қўшиқ абадийдир, чунки у одамлар юрагида яшайди. Абдулазиз Имомовнинг номи қўшиқ шинавандалари ва хонандалар тилидан тушмайди. Унинг дўстлари, шогирдлари, мухлислари жуда ҳам кўп. Лекин у ҳақда туғишган акаси, бир умр у билан бирга бўлган ажойиб инсон, Абдужаббор акачалик ҳеч ким гапириб беролмайди:

— Мен укамдан олти ёш каттаман. Абдулазиз 1939 йилнинг 24 декабрида Термиз туманидаги «Пайғамбар ороли»да туғилди. У болалигидан мусиқага, қўшиққа қизиқди. Бахтга қарши қишлоғимизда бирорта санъаткор йўқ эди. Кечагидай эсимда, унинг биринчи ўрганган қўшиғининг номи «Соатим» деб аталарди.

*Оқ билакка таққанам
Соатим тилло менинг,
Тилло соатимни берган
Раҳбарим доно менинг...*

Етти-саккиз ёшларида битта доира билан ўнлаб қўшиқларни айтар эди. Ўшандан бери қишлоғимизнинг тўйлари Абдулазизсиз ўтмайдиган бўлиб қолди. Кафтархона қишлоғида бизнинг момомиз яшарди. У кишининг ён қўшниси Норқобил Боллиев деган яхши бир дуторчи бобо бор эди. Укам худонинг берган куня момомдан хабар олгани кетдим, деб ўша чолниқига

келиб, дотор чалишни ўрганаркан. Кейинчалик эса, Авлиёқул бахши билан яқиндан танишиб, унинг ўнлаб шогирдлари орасида энг суюқлисига айланди. Авлиёқул бахши дунёдан ўтаётганида энг яхши доторини Абдулазизга беришни хотинига васият қилган экан...

— Абдулазиз аканинг ижодида устоз санъаткор Комилжон Отаниёзовнинг таъсири қандай бўлган?

— Укам Комилжон акани пирим дерди. Унга сигинарди, ундан руҳий озиқ оларди. У куйлаган қўшиқларни севиб куйлар, ҳатто юриш-туриши, сочларини тақир қирдириб, мўйлов қўйишларига ҳам тақлид қилар эди. Абдулазиз Тошкент Давлат консерваториясида ўқиб юрганда у киши билан танишган. Комилжон Отаниёзов уни ўзи раҳбарлик қилаётган Ўзбекистон Давлат филармониясининг «Лазги» ашула ва рақс ансамблига ишга таклиф қилди. Комилжон акани устоз билиб, Хоразм санъатини кўзига суртарди. Балки шу сабабдан ҳам Олмаҳон Ҳайитова, Бобомурод Ҳамдамов, Раҳматжон Қурбонов ва Каримбой Раҳмоновларни жуда севиб қадрлар, улар учун махсус қўшиқлар ёзганди.

Абдулазиз ўзи шеърлар ёзиб, ўзи куй басталар эди. У қўшиқ айтса мен унинг овозида ўзгача бир дардни, ўзгача бир нолани ҳар гал сезар эдим...

Умрининг сўнгги кунлари эди. Якшанба оқшомларининг бирида, «Зангори экран»да дам олиш концертида Раҳматжон Қурбонов «Хуморларинг» деган қўшиқни Абдулазиз Имомов куйи, деб куйлаган эди. Мен учун ўша дамдаги унинг қувончини сўз билан ифодалаш қийин...

— Абдулазиз ака нимани ёмон кўрар эди?

— Раҳматлик, чиройли, силлиқ, ҳавойи ёлгонларни ёқтирмас, нимада сохталик бўлса, шуни ёмон кўрар эди.

Абдулазиз Имомовнинг умр йулдоши Шодмонбика Эминова ҳикоясидан:

— Киши ёнида юрган одам ҳақида ҳеч қачон ўйламас, ҳатто қадрига ҳам етмас экан. Шунча йиллар бирга яшаб, олтига фарзандлик бўлиб, кунлар, ойлар, йиллар ўтган сайин у кишини энди-энди яқиндан кўриб, таниётгандекман...

У кишининг «нон», «туз», «фарзанд», деган сўзлар билан теппа-тенг турадиган «тор», «куй», «қўшиқ», «шеър» деган доимо тилидан тушмайдиган суюқли сўзларини шу қадар соғин-

дим-ки... У киши гапирганда куйларнинг рангини кўриб, сўзларнинг таъминини ҳис қилиб тургандек бўлар эдим...

Мен у кишининг севган ёри бўлганимдан кўра, қулидаги тори бўлгим келар, рости, шу ёғочдан ясалган буюмга ҳавасим, рашким келарди... Узун тунларни тонгга улаб ижод қиларди, раҳматлик.

«Сўзларнинг томири юракда бўлади, шунинг учун ҳам лаззатни юракдан бошлаб, ўртаса юракни ўртайди», дерди у. «Будунёда энг бахтли одам ижодкор-санъаткор», дер эди. Нимага деб сўрасам: «Ҳақиқий санъаткор рўзгорини тирикчилик билан эмас, севги-муҳаббати билан юргизади», деганлари эсимда.

Болаларини санъаткор бўлмоғини чин дилдан истар, орзу қилар эди. «Кимнинг қалбига санъат учқуни тушса, у ҳеч қачон ёвуз бўлмайди», дерди доим. Катта ўғлимиз Абдулсаҳийни болалигидан ўзи билан бирга олиб юарди.

У кишининг вафотидан сўнг англаб етдимки, янги кўшиқлар ижрочига, ижодкорга нимадир бергани билан, ниманидир олиб, ҳеч бўлмаса сочларига биттагина оқ солиб кетар экан.

Яхши кўшиқларнинг умри узуну, яхши кўшиқчиларнинг умри эса, қисқа бўлар экан-да...

Ўзбекистон халқ артисти — Олмаҳон Ҳайитова ҳикоясидан:

Абдулазиз ака нозик табиатли бастакор, ширин забон шоир, булбул нафас кўшиқчи эди. Шу ўринда у кишининг менга атаб махсус ёзган «Бари гал» кўшиғи қандай дунёга келганини айтиб бермоқчиман. Шоир Залилий қаламига мансуб ушбу шеърда «Бари гал» деган сўз йўқ. Аслида шеър мана бундай эди:

БАРИ ГАЛ

*Сенсан менинг дилбарим,
Жонимнинг жононаси,
Икки жаҳон сарварим,
Кўнглимнинг ҳамхонаси.*

*Юзларинг гул-гулимдир,
Овозинг булбулимдир,
Зулфларинг сунбулимдир,
Тишларинг дур донаси.*

*Иқлим паризодисан,
Ғамгин кўнглим шодисан,
Сен бир шиқнинг ўтисан,
Мен фақир парвонаси.*

*Мен бир мискин гадоёй,
Сен нозанин ҳуснда бой,
Кипригинг ўқ, қошинг ёй,
Мен унинг нишонаси.*

*Залилий, оҳи зоринг,
Дилбарим, олло ёринг,
Биров сўрса: «На коринг?»,
Бир санам девонаси*

Қаранг, «бари гал» деган сўзсиз қўшиқни тасаввур қилиб бўладими? Абдулазиз аканинг нозик дидли санъаткор-шоирлиги шу ерда яққол билиниб турибди. Мен унинг ўзи шеър ёзиб, ўзи куй басталаб, ўзи ижро қилган ўнлаб қўшиқларини билман.

Бир пайтларда мукофот бериладиган бўлса, қаерда туғилгани, миллати қаттиқ эътиборга олинарди. Аксарият ҳолларда мукофот беришда санъаткорнинг санъатига, қилган хизматига эмас, бошқа томонларига қараларди...

Абдулазиз аканинг севган тори, қайраган қалами, булбул нафасидан бошқа «санъати» йўқ эди... Балки шунинг учун кичкинагина мукофот, оддийгина унвон ҳам насиб этмаган унга.

Худога шукрлар бўлсинким, санъаткор ҳар хил йўллар билан олган мукофот, унвон билан эмас, санъати ила қадрлидир.

«Лазги» ансамблида ишлаб юрган пайтларимизда, устоз Комилжон ака билан Абдулазиз акалар ҳамкорликда ўнлаб қўшиқларга куй басталаган эдилар. «Кел Ғарибим», «Санамжон», «Найлар» қўшиқлари шулар жумласидандир...

... Кечагидек эсимда, 1967 йилнинг ёз ойлари эди. Бир кун ишдан кейин 5-6 та бирга ишлайдиган санъаткорлар кинога тушдик. Бизлар билан бирга устозимиз Комилжон ака ҳам бор эди. Ўша кунлари Тошкентда халқаро кинофестивал бўлиб Ҳинд кинофилмларидан «Сангам» намоён этилаётган эди.

Абдулазиз ака кинофилмдан жуда ҳайратланиб чиқди ва яна кейинги сеансга билет олиб, қайтадан шу кинофилмга кириб кетдилар. Эртаси куни филармонияда Абдулазиз ака кечаги томоша қилганимиз «Сангам» кинофилмидаги, энг чиройли битта қўшиқни куйини ҳам, сўзини ҳам бузмай ижро қилиб ҳаммамизни ҳайрон қолдирган эди.

Абдулазиз ака билан жуда кўп концертларда, гастролларда бўлганмиз. Ҳар бир одамнинг одамлиги сафарларда билинади. Бир йили, аниқ эсимда йўқ, Сурхондарёнинг шоличилик учун махсус ихтисослаштирилган бир колхозда концерт бераётган эдик. Пахтакорлар, чорвадорлар, пиллакорлар, шоликорлар, боғбонлар, ишқилиб, турли касбу турли миллат вакилларидан йиғилган бир неча минг одам катта бир сайилгоҳга жам эди. Баланд қилиб ўртага саҳна қурилган. Бахтга қарши ансамблимизнинг бир қисми, шу жумладан, Комилжон ака ҳам қайси бир сабаб билан концертга қатнашолмаган эди. Қўшиқчилардан Абдулазиз ака билан иккимиз эдик, холос.

Бизлар келишиб концертни икки қисмга бўлдик. Биринчи бўлиб саҳнага мен чиқдим. Комилжон аканинг йўқлигини халқ билмайди. Одамни ваҳм босади... Бирор соатлар 14-15 та қўшиқ айтдим. Иккинчи бўлиб саҳнага Абдулазиз Имомов чиқди. Гапларим ёлғон ёки муболаға эмас. У ўзбек, туркман, тожик, афғон, озарбайжон, ҳинд, рус, татар, корейс қўшиқларини шунақанги ижро этдики, нафақат томошабинлар, ҳатто санъаткорлар ҳам ёқасини ушлаб қолишди... Шу куни томошабинларни шунақанги сеҳрлаб ташладики, Комилжон аканинг йўқлигини ҳам сездирмади. Концертимиз узоқ давом этган эди...

...Абдулазиз ака жуда кўп тўсиқлардан, фақат ташқи эмас, ички, руҳий тўсиқлардан ўтиб, баъзан орзу қанотида учиб, баъзан шубҳа исканжасида тўлғониб дунёдан ўтди...

Ўзбекистон ва Туркманистон халқ артисти — Бобомурод Ҳамдамов хотираларидан: Мен Туркманистонда туғилган ўзбекман, у эса Ўзбекистонда туғилган туркман эди.

У 53 ёшида дунёдан ўтди. Бу фожеа менинг юрак-бағримни тилди. Ахир бизлар тенгдош, дўст, ҳамкасб эдик. На чора, яхши одамларнинг умри қисқа бўлар экан, табиийки, яхши инсонлар ҳаммага бирдек меҳрибон бўлади, ҳамма учун бирдек куяди. Бу куйиб-ёнишлар умрнинг заволи эканлигини сезмай қолаверади...

Инсоннинг ёши улғайиб, умри ўтган сари, босиб ўтган йулига тез-тез қайрилиб қарар экан. Айниқса, айрим тенгдошларинг оламдан ўтса, одамни қайғу-ғам босар экан. Қилган яхшилигу ёмонликларингни, савобу гуноҳларингни дилингда тошу тарози қуриб ўлчар экансан. Бегуноҳ ёлғиз парвардигор, баъзан хушнуд жилмайсанг, баъзида ичингни нимадир тимдалар экан...

Абдулазиз билан мен бир пиёладан чой ичиб, бир хонада оғанидек уч йил яшадик. Унинг ўзига хос қизиқ, ажойиб одатлари бор эди. Эрта билан уйғонар, юз-қулини ювгач, бошқа одамлардек нонуштага ўтирмасдан қулига ториними, гижжакиними оларди. Доим янги, охири айтган ёки бошланиб, маромига етмаган қўшиғини маромига етказарди. Унинг учун ҳаёт қўшиқдан иборат эди. Мен Абдулазиздан жуда кўп нарсаларни ўрганганман, унинг қўшиқларини айтганман. Мени элга машҳур қилган қўшиқлардан бири «Елпесэ»нинг бастакори Абдулазиз эканлиги ҳеч кимга сир эмас. У куй басталаган «Галсин-галсин», «Гўзалсен», «Сўнам бугун» қўшиқларини ҳозир ҳам концертларда севиб куйлайман.

Абдулазиз яхши бастакор, гўзал шоир, бетакрор созанда ҳам эди. Жуда кўп концертларда, тўйларда устоз Комилжон аканинг ёнида доира ҳам чалган. Ўша пайтларда «Лазги» ансамблининг музика раҳбари бўлиб, ансамбилда гижжак чалар эди. Бизлар биргаликда жуда кўп концертларни, тўйларни ўтказганмиз. Баъзан жўр овоз бўлиб қўшиқлар айтганмиз.

Ўзбекистонда ва Туркманистонда яшаётган санъаткорлар ичида ҳиндча қўшиқларни Абдулазиздек маромига етказиб куйлаш ҳаммага ҳам насиб қилавермаган...

Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассалламнинг Ҳадиси шарифларидан бирида: «Икки кунини бекора ўтказган алдангандир» деганлар. Шу нуқтаи назардан олганда Абдулазизнинг умри қисқа эмас. Унинг бекор ўтган бирор кунини мен билмайман. Дунёга келиб битта фарзанд кўрмаган, битта дарахт ўстирмаган одамлар бор.

Ҳаммамиз ҳам санъат йўлига болалик орзу-хаваслари билан кирамизу, бу йўлнинг мангулик-умри йўли эканлигини билмаймиз.

Хоразмда яшаб ижод этган шоир Партавнинг: «Ётиб ғору панода дийдан элдан нихондурман» деб бошланганидан бир муҳаммаси бор. Шу қўшиқни эшитсам, айтсам Абдулазиз кўз

ўнгимга келаверади...

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист-Раҳматжон Қурбонов ҳикоясидан:

Абдулазиз ака билан илк бора 1976 йилда Хоразм телевидениясида учрашган эдик. Мен у пайтларда мусика билим юртида ўқир эдим. У киши «Отимни боғладим бир қора доша» деган ва яна устоз Комилжон Отаниёзовнинг 4-5 та қўшиқларини меъёрига етказиб ижро этган эдилар. Ўша пайт мен ҳам қўшиқ айтаман, мен ҳам Комилжон аканинг шогирдиман, дейишга тилим бормай, уялган эдим...

Комилжон Отаниёзовнинг дунёдан ўтганига бир йиллар бўлиб, қўшиқ шинавандаларини қалбидан соғинч оғриқлари ҳали ўчмаган пайтлар. Эртаси куни Хоразмда шов-шув гап бўлиб кетди, ҳамманинг оғзида: «Комилжон ака ўлмабди, кеча телевизор кўрдингизларми?» деган сўзлар. Ўша пайтларда Абдулазиз аканинг ташқи кўриниши ҳам Комилжон акага жуда-жуда ўхшар эди. Шу кунларда Абдулазиз ака ижро қилган «Отимни боғладим бир қора доша» қўшиғини айтмаган бирор санъаткор, бирорта талаба қолмаган эди. Қўшиқ шинавандаларининг ихлоси Абдулазиз акага жуда баланд эди. Баъзи бир одамлар Абдулазиз аканинг исмини эсдан чиқарган бўлса ҳам «Отимни боғладим бир қора доша» қўшиғини айтган одам-чи» деб эслар эдилар...

Устоз ёзин-қишин тинмай қайнаб ётадиган беминнат булоққа ўхшарди. У киши кўп меҳнат қилиб, заҳмат чекар эди. Бир ўйлаб кўринг-а, битта уч дақиқалик қўшиқни яратиш учун кунлар, ойлар, баъзан эса йиллар излаш, изланиш керак бўлади.

Абдулазиз ака билан сўнгги учрашувларимизнинг биринчи қўшиқ, куй, ижод ҳақида узоқ суҳбатлашган эдик. Шунда устоз: «Раҳматжон! Яхши қўшиқ офтобга ўхшаб одамларнинг қоронғу қалбларига мунаввар ёғдулар сочиб кирмоғи керак. Инсонларнинг кўксига не-не дарёлар ухлаб ётибди, шуларни уйғотмоққа баъзан битта қўшиқ сабаб бўлиши мумкин», деган эдилар. Мен ҳам устозга шундай савол билан мурожаат қилган эдим: «Сиз яратган шундай ажойиб қўшиқларни биламан-ки, уларни айрим ижрочилар ўзим яратганман, деб даъво қилганларини эшитганман. Ҳатто уларнинг айримла-

ри сиз яратган қўшиқларингизни ижро этиб, мукофоту унворлар олган. Нега бундай кимсаларга бунчалар бефарқ қарайсиз?»

Абдулазиз ака жим бўлиб қолдилар. Анчадан кейин: «Раҳматжон, ҳар ким нима қилса, аввало ўзига қилади. Ҳар бир инсон сиру-асрорини халқдан яширган билан ҳақдан яширолмайдик-ку! Ўзи кўриб билиб турибди. Тўғри, мен ҳеч қачон, ҳеч қандай унвон, мукофотларга интилмадим. Доимо энг юксак унвон элнинг кўнглида, юрагида деб билдим. Худога беҳад шукурлар бўлсинким, ижодни энг буюк неъмат, деб қабул қилганман. Сиз айтаётган ўша одамлар яратганнинг бу марҳаматидан бебаҳрадурлар. Раҳматжон, сизга қайта-қайта айтаман, шу сўзларим бир умр қулоғингизда бўлсин: ижод-яратганнинг энг буюк неъматидир! Санъаткор учун ҳайратланиш, ҳайратлантириш тириклик белгисидир...»

Ўша кеча тонг отгунча қўшиқ, ижод, умуман, санъат ҳақида суҳбатлашдик. Мен Абдулазиз акадан бир умрлик доно маслаҳатлар олдим. Ўша тун хотирамдан ҳеч қачон ўчмайди. Мен ўша ўтли суҳбатдан сўнг Абдулазиз аканинг жуда буюк инсонлигига ва ёлғизлигига амин бўлдим. Ёлғиз деганим бир ўзи қолибди деганим эмас, унинг болалари, ака-укалари, дўстлари жуда ҳам кўп, лекин кўнгли... Бўйидек бўй топиб, кўнглидек кўнгил топмаган одам экан Абдулазиз ака...

Устоз билан охириги учрашувимиз вафотидан ўн кунлар олдин бўлди. У кишини кўргани касалхонага бордим. Қўл-оёқлари яхши ишламас, тиллари тутилиб, тушунар-тушунилмас қилиб: «Уч кун бўлди тушларимга Комилжон ака кираяптилар, сизни кўриб устозни кўргандек бўлдим. Устозларнинг ишини давом эттириш савоб, у кишининг руҳлари сиздан шод. Худо хоҳласа, сизга ва сиз раҳбарлик қилаётган менинг ҳам қадрдон — «Лазги»га атаб кўп нарсалар ёзиб бераман. Бошлаб қўйган 2-3 та қўшиқларим ҳам бор», дедилар.

Шу куни Термиз шаҳрида, шундоқ касалхонанинг ёнгинасида яшайдиган Абдуғани деган дўстимиз тўй қилаётган эди. Бир яйраб келасиз деб, Абдулазиз акани ҳам тўйга олиб кетдим. Каровотда ёнбошлаб ётиб томоша қилсин, дея устозга юмшоққина пар ёстиқлар қўйдириб бердим. Тўй жуда чиройли, файзли ўтди. Тўй ниҳоясига етай деб қолганда Абдулазиз ака, «Билмадим», деган қўшиғимни айтиб беришимни илти-

мос қилдилар. Қўшиқни бошлашим билан устоз кўзларини юмиб, ўринларидан турди-да, қўлларини кўтариб ўйнай бошлади...

*Танда жоним неча кун,
Меҳмон эканин билмадим,
Ўтди умрим водариг
Даврон эканин билмадим.
Балки, нодонлик била
Қурдим иморат-уйини,
Бу иморат охири
Вайрон эканин билмадим.
Уқмадим маълум китобни,
Катта олимлар билан,
Бу китоб эл олдида
Қуръон эканин билмадим...*

Қўшиқнинг ушбу уч бандини ижро қилгандан кейин, Абдулазиз ака мени қучоқлаб йиғлаб юборди. Мен ҳам ўзимни тутолмадим, бир-биримизни қучоқлаб кўксимизни нам қилдик...

Бу учрашувимиз энг сўнгги учрашув эканлигини устоз сезган экан. Ўша тўйдан 10 кунлар ўтиб-ўтмай совуқ-шум хабар Тошкентга ҳам етиб келди. Мен зудлик билан Термизга учдим. 1992 йилнинг 20 ноябр куни Абдулазиз ака билан видолашиб, дилларимизнинг доғлаб қолавердик.

Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист — Каримбой Раҳмонов хотираларидан:

Устоз Абдулазиз Имомов билан 1986 йил Чоржўйда танишган эдим. Бунга қадар ҳам Абдулазиз ака яратган қўшиқларни эшитиб, баъзи бирларини ўзимча айтиб юрардим. Абдулазиз ака ўша тўйда мен айтган тўрт-бешта қўшиқни тинглаб туриб, қилган ўғитлари ҳали-ҳануз ёдимдан чиқмайди. «Қўрқма, овозингга эрк бер!» деган эди устоз.

Менинг қўшиқчилик ижодимда ўша сўзнинг ўзгача бир ўрни бор. Чунки мен шу кунгача овозга эрк бериб, дилларни ўртаб айтиладиган халқ, классик қўшиқларни айтишга қўрқар эдим. Вақт ўтиши билан эса, халқ қўшиқларини айта олишимга ишона бошладим ва кейинги пайтларда фақат ўшаларнинг оҳанги

билан яшайман, уларни машқ қиламан. Қисқаси, овозимда ҳам одамларга ёқадиган нолами, қандайдир дардми пайдо бўлди.

